

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash

Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgz.uz, info@uzssgz.uz • 2012 йил, 3 август • № 32 (897)

ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!



ЎЗ ХАЛҚИНИ, ЎЗ ВАТАНИНИ ШАРАФЛАШ – ЭНГ БУЮК БАХТ!



Дунёнинг 200 дан ортик мамлакатидан энг сара спортчилар иштирок этаётган нуфузли Олимпиадада ҳамюртимиз Ришод Собировнинг дзюдо спорт тури бўйича бронза медални қўлга киритиб, Ўзбекистон давлат байроғи баланд кўтарилишига муяссар бўлганлиги халқимизни тўлқинлантириб юборди.

Мамлакатимизда навқирон авлоднинг жисмоний ва маънавий баркамоллигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар кўлами йил сайин кенгайиб бормоқда. Зеро, муҳтарам Президентимиз таъбири билан айтганда: “Спорт нафақат жисмоний, балки маънавий камолотга эришишда ҳам муҳим омилдир. У иродани тоблайти, аниқ мақсад сари интилиш, қийинчиликларни бардош ва чидам билан енгишга ўргатади. Инсон қалбида ғалабага ишонч, гурур ва ифтихор туйғуларини тарбиялайди”.

Дарҳақиқат, спорт тану жонимизни чиниқтирадиган, ҳам руҳан, ҳам жисмонан камол топтирадиган, узок умр кўришимизга сабаб бўладиган ижтимоий восита. Халқимиз учун ана шундай мақсадларни кўзлаган Юртбошимизнинг фуқароларимиз, хусусан мамлакатимиз ёшлари учун янги-янги спорт иншоотлари қурилишига, уларни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга, ҳар бир болага етарли шарт-шароитлар яратишга бош-қош бўлаётганлиги натижасида истиқлол йилларида бу борада асрларга татигулик ишлар амалга оширилаётганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Мустақил мамлакатимизнинг дастлабки қонунларидан бири сифатида 1992 йил 14 январда ижтимоий ҳаётга кириб келган ва 2000 йил 20 майда янги таҳ-

рирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”-ги Қонуни соҳага оид муҳим ҳуқуқий пойдевор вазифасини ўтамоқда. Унга кўра ҳар бир фуқаро жинси, ёши, миллати, дини, мулки ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш, жисмоний тарбия-соғломлаштириш йўналишидаги жамоат ташкилотларига бирлашиш, жисмоний тарбия-спорт ҳаракатини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқига эгадир. Мамлакатимизда спортни ривожлантиришга йўналтирилган саъй-ҳаракатлар, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тез ва юқори самара бераётганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Соҳада амалга оширилган ислохотларнинг кейинги ўн йилига назар ташлайдиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 24 октябрдаги “Ўзбекистон Болалар Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида”ги, 2004 йил 29 августдаги “Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, 2006 йил 26 декабрдаги “2007 йилда болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бюджетини ва болалар спорт объектлари қурилишининг манзилли аниқ дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2007 йил 12 декабрдаги

“2008 йилда болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бюджетини ва болалар спорт объектлари қурилишининг аниқ манзилли дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2010 йил 15 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бюджетини ҳамда 2010 йилда болалар спорт объектлари, сузиш ҳавзалари ва болалар мусика ҳамда санъат мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашнинг манзилли дастурларини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2010 йил 1 апрелдаги “Қишлоқ жойлардаги болалар спорт объектларида банд бўлган аёл спорт устозлари меҳнатини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2010 йил 5 майдаги “Болалар спорт объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2011 йил 19 январдаги “2011-2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ва бошқа меъёрлар юртимиз шаҳар ва қишлоқларида болалар спортини ташкил этишда асосий дастуриалмаж ҳужжат сифатида хизмат қилаётганини таъкидлаш ўринли.

(Давоми 2-бетда).

Экология

ВСЕ МЫ ОТВЕТСТВЕННЫ ЗА БЛАГОУСТРОЙСТВО И ЧИСТОТУ

В Экологическом движении Узбекистана состоялась беседа за «круглым столом», посвященная актуальным задачам дальнейшего улучшения санитарно-эпидемиологической и экологической обстановки в столице, сбора, вывоза и переработки отходов.

В мероприятии, организованном совместно с хокимиятом города Ташкента, приняли участие депутаты, представители министерств и ведомств, предприятий, организаций и негосударственных некоммерческих структур, журналисты.

Председатель исполнительного комитета центрального совета Экологического движения Узбекистана Б. Алиханов, первый заместитель хокима города Ташкента Б. Рахманов особо отметили, что проводимые в нашей стране последовательные реформы способствуют обеспечению гармоничных взаимоотношений человека и природы, применению чистых технологий в производстве, сокращению отходов, благоустройству городов и сел.

Как и во всех регионах страны, в столице также проводятся широкомасштабные мероприятия по благоустройству и поддержанию чистоты. В результате реализации специального проекта по совершенствованию санитарно-очистительной системы Ташкента во всех районах города, в махаллях организованы специальные охраняемые пункты сбора отходов, оснащенные необходимыми средствами. На местах усилиями махаллинских структур с привлечением населения регулярно проводятся хашары, что способствует поддержанию чистоты, дальнейшему благоустройству города и охране окружающей среды.

На мероприятии состоялась обмен мнениями по снижению загрязнения окружающей среды, усилению роли органов самоуправления граждан, общественных структур в работе по благоустройству столицы, повышению экологической и медицинской культуры населения.

Б. ХИДИРОВА,
корр. УзА.

Миннатдорлик туйғуси

Хизматларидан мамнунмиз

Ногиронлигимиз туфайли анча йиллардан буён Тошкент тиббий академиясининг 1-клиникасида мунтазам даволаниб турамыз. Даволаш муассасасидаги озодалик, беморлар учун яратилган қулай шарт-шароитлар, врачларнинг ширин муомаласи дардди тезда енгишимизда кўмакдош бўлмоқда. Айнисқа, шифохона замонавий жиҳозлар билан таъминланганлиги, беморларга кўрсатилаётган сифатли тиббий хизмат, ягона мақсадга, яъни юртимизда инсон манфаати, кадр-қиммати ва

унинг саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилганини амалда ифодаб турибди.

Бизга аъло даражада тиббий хизмат кўрсатаётган шифокорлар ва аҳоли саломатлигини тиклашда ҳамisha ғамхўрлик қилиб келаётган муҳтарам Президентимиз ва Соғлиқни сақлаш вазирлигига ўз миннатдорчилигимизни билдирамыз.

В. МУҲАМЕДОВА ва
Э. ШАРИФҲУҲАЕВЛАР,
Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани.

Благодарность

СПАСИБО ЗА ЗАБОТУ И УЧАСТИЕ

Выйдя на пенсию, я решила подлечить свои зубы. Мне посоветовали обратиться в поликлинику ООО “Тортинчи”. Меня лечила стоматолог-ортопед С. Фузаилова, врач высшей категории. Приношу огромную благодарность за высокий профессионализм, доброе и чуткое отношение С. Фузаиловой и Г. Кудратовой, а также руководителю поликлиники А. Умарову за хорошую постановку работы.

Г. АБДУМАЖИТОВА, г.Ташкент.

Ифтихор ва гурур

ЎЗ ХАЛҚИНИ, ЎЗ ВАТАНИНИ
ШАРАФЛАШ – ЭНГ БУЮК БАХТ!

Очигини айтсам, соҳага ажратилаётган маблағлар юртизмизнинг нафақат катта-катта шаҳарлари, балки узоқ қишлоқларида ҳам қад кўтарётган махсус спорт мактаблари ва комплекслари, ўйингоҳлари учун сарфланганлигини кўриб кўзимиз қувонса, фарзандларимиз эришаётган ютуқлар, халқаро спорт мусобақалари ва олимпиадаларида ўғил-қизларимиз эгаллаётган нуфузли ўринлар, қўлга киритилаётган медаллар кўксимизни гурур ва ифтихор ҳисси билан тўлдирмоқда.

Ҳа, бугун мамлакатимизнинг қайси бир гўшасига борар экансиз, бири-бирдан ҳашаматли, юқори технологиялар асосида, халқаро стандартлар даражасида қурилган спорт мажмуалари кўриб, баҳри-дилнингиз яйрайди. Ҳамма талабларга жавоб берадиган спорт масканларининг эшиклари ўғил-қизларимиз учун доимо очиқ. Бу эса фарзандларимизнинг халқаро спорт майдонларида Ўзбекистон Давлат байроғини баланд чўққиларга олиб чиқишига мустақам заминдир.

Мана шундай бунёдкорлик ишларини кўрганимизда буюк мутафаккиримиз Алишер Навоийнинг:

“Одами эрсанг, демагил одами, Ониким йўқ халқ гамидин гами”,
деган мисраларини эслаб, истиқлолнинг завқли дамларидан

(Давоми. Боши 1-бетда).

бахра оламиз. Аждодларимиз орзу қилган кунлар етиб келганлигидан, бугунги кунда халқнинг ғаму ташвиши билан ёниб яшаётган, халқ ғамини елкасига ортган Юртбошимиз – фаровон замонамизнинг буюк бунёдкори борлигидан қувонамиз.

Аниқ режалар, эзгу ишлар натижасида сўнги етти йил оралигида республикамизда барпо этилган 1200 дан ортиқ спорт иншооти бугунги кунда фарзандларимиз ихтиёрида. Уларнинг мингдан ортиги, яъни 79 фоизи қишлоқ жойларида қад ростлаган.

– Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг “Бундан буён барча режаларимизда маданият, маърифат, жисмоний тарбия ва спорт биринчи даражали вазифалар қаторидан жой олиши лозим”, деган сўзлари амалда ўз исботини топмоқда, – дейди таэквандо бўйича жаҳон чемпиони Мушарраф Маҳмудова. – Мен спортнинг бу турига қизиққан вақтим 7 ёшда эдим, қишлоғимиз Ўқма туманининг бир четида жойлашганлиги сабабли дадам мени ҳар кун Тўйтепа шаҳрига олиб борарди, кейинчалик эса Тошкент шаҳрига қатнадим. Бугунги кунда қишлоқдан шаҳарга бориб спорт билан шуғулланиш учун ҳеч қандай зарурат қолмади. Қишлоқларимизда шаҳарлардагидан кам бўлмаган спорт иншоотлари қад кўтарётганлиги биз ёшларга мустақиллик инъом этган умумий бахтнинг бир бўлагидир.

Эришилган ютуқларга Қорақалпоғистон Республикаси мисолида қарайдиган бўлсак, ўтган

йиллар мобайнида барча қулайликларга эга бўлган юздан зиёд замонавий спорт иншоотлари қурилганлиги ва улар спорт инвентарлари билан таъминланганлигини кўраимиз. Болалар учун кўплаб спорт майдончалари, сузиш ҳавзалари, спорт заллари барпо этилган. Шуларнинг аксарияти қишлоқ жойларига тўғри келади ва у ерларда қурилган спорт иншоотлари ҳақида гап борганда, беихтиёр Тахтакўпир туманидаги спорт иншооти кўз ўнгимизда гавдаланади. У ерда яратилган болалар спорт мажмуаси фарзандларимизнинг сеvimли масканига айланиб бўлган.

Хуллас, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида қад ростлаган замонавий спорт мажмуалари, спорт саройлари, стадионлар, гимнастика марказлари, кортлар доимо ўғил-қизлар билан гавжум. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган уч босқичли узлуксиз спорт тизими – “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, “Универсиада” спорт ўйинлари навқирон авлоднинг жисмонан соғлом, маънан етук бўлиб вояга етишига хизмат қилиш баробарида, жаҳон спорт майдонларида Ватанимиз шарафини ҳимоялашга қодир ўғил-қизларни тарбиялаш йўлида ҳам муносиб хизмат қилмоқда.

Айниқса, спорт мусобақаларида қизларимизнинг салоҳиятли иштироки йил сайин ўсиб бормоқда. Масалан, бадий гимнастика бўйича терма жамоа аъзоси Уляна Трофимова мус-

тақилликка эришганимиздан сўнги илк бор Олимпия ўйинлари йўлланмаси соҳибасига айланган қизларимиздандир. Илгарилари “Ўзбек қизлари тош кўтариш мусобақаларида иштирок этибди”, дейишса ҳеч ким ишонмасди. Шу йил Жанубий Кореяда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида ўзбек спорт тарихида илк маротаба Ўзбекистон хотин-қизлар терма жамоаси вакили 48 кг вазндаги Марина Сисоева Лондон олимпиадасида иштирок этиш учун йўлланмани қўлга киритди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 5 январдаги “Ўзбекистон спортчиларининг 2012 йил Лондон (Буюк Британия) шаҳрида бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпия ва XIV Паралимпия ўйинларига тайёргарлиги тўғрисида”ги Қарори мамлакатимиз спортчилари учун янада кўпроқ имкониятлар яратди. Натижада, 54 нафар йигит-қизларимиз 24 июль куни XXX ёзги Олимпия ўйинларида иштирок этиш учун Буюк Британия пойтахти Лондон шаҳрига жўнаб кетишди.

Ўзбекистон спорт делегацияси, ҳар бир спортчимиз, уларга Ўзбекистондек муқаддас Ватанимиз, илму маърифат, маданият ва спорт соҳаларида ҳар доим қўли баланд келган халқимиз умид билан қараб турганлигини унутмаслигига ишонамиз.

Дунёнинг 200 дан ортиқ мамлакатидан энг сара спортчилар иштирок этаётган нуфузли Олимпиадада ҳамюртимиз Ришод Собировнинг

дзюдо спорт тури бўйича бронза медалини қўлга киритиб, Ўзбекистон давлат байроғи баланд кўтарилишига муяссар бўлганлиги халқимизни тўлқинлантириб юборди. Ғалаба соҳибини ана шундай катта муваффақият билан қутлаган ҳолда, истиқлол йилларида Юртбошимиз томонидан яратилган шароитлар асос бўлиб, халқимиз дуолари, буюк аждодларимиз, ота-боболаримизнинг руҳлари қўллаб-қувватлаб, спортчиларимиз кўкси тўла медаллар шодаси билан қайтишларига тилақдошмиз. Ва шуни ишонч билан айтаемизки, олимпиада ўйинларининг илк асосчиларидан бири Пгер де Кубертеннинг “Кумуш бурғулар ғалабани эълон қилганларида улар фақат голибни шохсупага чиқарибгина қолмай, спортни, ақл ва кучни, мардлик ва иродани, садоқат, жасорат ва шонни шарафлайдилар. Улар ўз қалбини спортга бағишлаган, ўз ишлари, ўз ибрати билан ҳаётий жасоратга ундайдиган инсонларни шарафлайдилар”, деган сўзларини бизнинг спортчиларимиз унутишмайди. Бинобарин, бизнинг спортчиларимиз ўз гурури, ўз халқи, ўз Ватанини шарафлайдиган ботир ўғил-қизлардир.

Абдуқамол РАҲМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси аъзоси.

Ислоҳот ва жараён

МАҚСАД – ЭПИДЕМИОЛОГИК
БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ

Мамлакатимизда тиббий-ижтимоий жабҳада олиб борилаётган кенг қўламли ислоҳотлар жараёнида экологик ҳамда санитария-эпидемиологик муҳитни барқарор сақлаш, юқумли касалликларнинг олдини олиш ва аҳоли саломатлигини мустақамлашга катта эътибор қаратилмоқда.

Юртимизда барқарор эпидемиологик вазият сақланиб турган бўлса-да, айрим қўшни мамлакатларда ўта хавфли юқумли касалликларнинг тарқалиши оқибатида мураккаб вазият юзага келган бир пайтда хотиржамликка берилиб бўлмайди. Ушбу касалликлар юртимизга кириб келишининг олдини олиш қатъий назорат ва доимий эътиборни талаб қилади.

Фарғона вилоятида ҳам мазкур йўналишда кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

– Ҳаво ҳароратининг кўтарилиши юқумли касалликларни келтириб чиқарувчи микроорганизмларнинг тарқалишига шароит яратади, – дейди вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош врачлари Эргаш Маликов. – Шу боис, профилактик тадбирлар кучайтирилди. Бу борадаги ишлар

маҳаллий ҳокимият органлари, корхоналар, ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси давлат санитария-эпидемиология назорати марказида тузилган махсус штаб куну тун фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, зарур дори-дармонлар, ҳимоя кийимлари, намуналар олиш жамланмаси ва бошқа зарур ашёлар захираси яратилган.

Вилоят ҳудудига юқумли касалликларнинг четдан кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш мақсадида давлат чегараларини кесиб ўтиш жойларида назорат пунктлари фаолияти йўлга қўйилган. Уларнинг барчаси малакали кадрлар, замонавий диагностика ва лаборатория таҳлил асбоб-ускуналари, дезинфекциялаш воситалари билан таъминланган. Жорий йилнинг дастлабки 6 ойи мобайнида вилоятдаги назорат пунктларида юртимизга кириб келаётган 62 минг 427 нафар киши тиббий кўрикдан ўтказилди.

Ҳудудий санитария-эпидемиология назорати марказлари ичимлик суви манбалари ва очик сув ҳавзаларидан мунтазам намуналар олиб, бактериологик ва кимёвий таҳлил ўтказмоқда. Бозорларда ҳар ҳафтада бир кун санитария ва то-

залик куну деб эълон қилинган. Маиший чикиндилар ўз вақтида ташиб кетилмоқда.

Шаҳар ва туманлардаги бозорларда, йўл ёқаларида ноқонуний, сифатсиз салқин ичимликлар савдосини чеклаш мақсадида тегишли идоралар билан рейдлар ташкил этилмоқда. Фарғона, Марғилон шаҳарлари, Тошлоқ, Риштон, Бағдод туманларидаги деҳқон бозорларида ўтказилган шундай тадбирларда санитария талабларига жавоб бермайдиган салқин ичимликларни сотаётган фуқаролар аниқланди ва уларга тегишли чоралар кўрилди.

Тегишли идоралар билан ҳамкорликда жойларда мунтазам равишда кенг қўламли тушунтириш ишлари олиб борилаётган. Ўта хавфли юқумли инфекциялар ва ёз мавсумида учрайдиган ўткир ичак касалликларини келтириб чиқарувчи омиллар, уларнинг олдини олиш усуллари акс эттирилган тарқатма материаллар чоп этилиб, аҳолига етказилмоқда. Зеро, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш ва хонадонларда санитария-гигиена талабларига, тозалликка тўла риоя этиш ҳар қандай юқумли касаллик кириб келиши йўлидаги мустақам тўсиқдир.

М. СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА мухбири.

Благодарность

О ВРАЧЕ, КОТОРЫЙ
ЛЕЧИТ НЕ ТОЛЬКО
ЛЕКАРСТВАМИ!

Как говорят, болезнь всегда не вовремя.

Так случилось и в моей семье, у моей сестры поднялась высокая температура и держалась несколько дней. Скорая привезла ее в Республиканский центр экстренной медицинской помощи. Последовательность, скоординированность, грамотность действий медперсонала свидетельствовали о том, что здоровье моей сестры в надежных руках. Мою сестру лечила Г. Касымова, она помогла ей справиться с недугом.

В больнице все аккуратно, новое оборудование, запланированные действия медперсонала. Моя семья почувствовала, что здоровью населения республики первые лица государства уделяют большое внимание.

Спасибо за заботу, работу, профессионализм и за все остальное.

Семья
НУРМУХАМЕДОВЫХ,
г. Ташкент.

Хурматли муштарийлар!

Агар Сиз обуна бўлган ҳудудда газетанинг кечикиб бориш ҳолатлари кузатилса, таҳририятнинг қуйидаги рақамларига мурожаат қилишингиз мумкин: (8371) 233-13-22, 233-57-73.

Актуальная тема

ТОРГОВЛЯ ЛЮДЬМИ – ВСЕОБЩАЯ ПРОБЛЕМА ЧЕЛОВЕЧЕСТВА

Первые годы XXI века ознаменовались в истории человечества интенсивным развитием науки и техники, кардинальным совершенствованием системы обмена информацией. В этом процессе страны мира особое внимание уделяют вопросам обеспечения в международных отношениях региональной безопасности, сотрудничества в экономической, социальной, научной сферах и сфере образования, совместного разрешения проблем, связанных с общечеловеческими ценностями. В результате этого активизировались процессы межгосударственной миграции, ещё более расширились возможности для выезда граждан в другие государства с целью осуществления трудовой деятельности, обучения, в туристических и других целях.

Вместе с положительными изменениями наблюдается также увеличение числа некоторых транснациональных преступлений, в частности, торговли людьми. Торговля людьми, как один из опасных видов транснациональной организованной преступности, стала проблемой для всего мирового сообщества, в том числе и для Узбекистана, поэтому вопросы борьбы с этим явлением решаются в республике на государственном уровне.

Для принятия эффективных мер по предотвращению торговли людьми и борьбе с ней 17 апреля 2008 года принят Закон Узбекистана "О противодействии торговле людьми". В соответствии с законом принято Постановление Президента Республики Узбекистан №ПП-911 от 08.07.2008 года "О мерах по повышению эффективности борьбы с торговлей людьми". Во исполнение Постановления Президента Республики Узбекистан № ПП-911 от 8 июля 2008 года "О мерах по повышению эффективности борьбы с торговлей людьми" Министерством здравоохранения изданы приказы № 311 от 03.11.2010 года и № 110 от 13.04.2011 года, в соответствии в Министерстве организована постоянно действующая рабочая группа, разработана форма отчетности по обращениям жертв торговли людьми, сроки её предоставления, а также утверждён план по проведению медицинской и просветительской работы среди населения по вопросам оказания помощи жертвам торговли людьми. Ответственными за проведение разъяснительной работы являются Институт здоровья и медицинской статистики, его областные и районные подразделения. Кроме того, в данную работу вовлечены учреждения первичного звена здравоохранения, которые имеют непосредственный контакт с населением. С сентября 2008 года были проведены медицинские осмотры 27 лиц – жертв торговли людьми, из них у 3 обнаружены заболевания и проведены работы по оздоровлению и взятию на диспансерный учет. В 2009 году были проведены медицинские осмотры 1175 лиц – жертв торговли людьми, из них у 63 обнаружены заболевания и проведены работы по оздоровлению и взятию на диспансерный учет. В 2010 году были проведены медицинские осмотры 2093 лиц – жертв торговли людьми, из них у 559 обнаружены заболевания и проведены работы по оздоровлению и взятию на диспансерный учет. В 2011 году были проведены медицинские осмотры 1002 лиц – жертв торговли

людьми, из них у 255 обнаружены заболевания и проведены работы по оздоровлению и взятию на диспансерный учет. В 2012 году за 6 месяцев были проведены медицинские осмотры 473 лиц – жертв торговли людьми, из них у 120 обнаружены заболевания и проведены работы по оздоровлению и взятию на диспансерный учет. На основании протокола № 2 от 27.12.2008 г. Республиканской межведомственной комиссией по противодействию торговле людьми были организованы медицинские осмотры лицам, находившимся за рубежом (мигрантам). В 2009 году были проведены медицинские осмотры 116527 лиц, находившихся за рубежом, из них у 24778 обнаружены заболевания и проведены оздоровительные мероприятия и взяты на диспансерный учет. В 2010 году были проведены медицинские осмотры 132168 лиц, находившихся за рубежом, из них у 25008 обнаружены заболевания и проведены оздоровительные мероприятия и взяты на диспансерный учет. В 2011 году были проведены медицинские осмотры 152733 лиц, находившихся за рубежом, из них у 21620 обнаружены заболевания и проведены оздоровительные мероприятия и взяты на диспансерный учет. За 6 месяцев с.г. были проведены медицинские осмотры 65945 лиц, находившихся за рубежом, из них у 7801 обнаружены заболевания и проведены оздоровительные мероприятия и взяты на диспансерный учет.

В целях исполнения Постановления Кабинета Министров № 240 от 5 ноября 2008 года во вновь организованном Республиканском реабилитационном центре по оказанию помощи и защите жертв торговли людьми со стороны системы Министерства здравоохранения прикреплены республиканские специализированные медицинские учреждения, в том числе Республиканский научный центр экстренной медицинской помощи, Республиканский центр борьбы со СПИДом, Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр дерматологии и венерологии, Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр фтизиатрии и пульмонологии, НИИ эпидемиологии, микробиологии и инфекционных заболеваний, Республиканская клиническая психиатрическая больница. Вышеуказанные медицинские учреждения по направлению Республиканского реабилитационного центра по оказанию помощи и защите жертв торговли людьми постоянно оказывают консультативную, диагностическую и стационарную медицинскую помощь. Одним из важных путей по предотвращению миграции по

нелегальному трудоустройству за рубежом является повышение уровня осведомленности граждан о её негативных последствиях, в частности, инфекционных заболеваний, инфекций, передающихся половым путем, и ВИЧ-инфекции. Особо важное значение в борьбе с торговлей людьми имеет проведение разъяснительной работы среди населения, о возможных опасностях у пострадавших от торговли людьми и тяжелых последствиях при инфицировании ВИЧ-инфекцией. Знания о способах профилактики передачи ВИЧ-инфекции оказавшихся жертвами торговли людьми не способствуют заражению ВИЧ-инфекцией. В этих целях в системе службы по борьбе со СПИДом разработан комплекс мероприятий, направленный на широкую пропаганду по информированности населения не только о законодательной базе, но и о конкретных мерах по предотвращению заражения ВИЧ-инфекцией. Во исполнении приказа № 270-п проводятся ежемесячно сбор и анализ информации из региональных центров по борьбе со СПИДом. Согласно отчетным данным, представленных региональными центрами по борьбе со СПИДом за 2011 год, тестированием на ВИЧ-инфекцию охвачено 134389 граждан, вернувшихся из зарубежных стран, где у 176 выявлена ВИЧ-инфекция. За 2011 год среди пострадавших от торговли людьми тестированием на ВИЧ-инфекцию охвачено 541 гражданин, из них у 6 выявлена ВИЧ-инфекция. За 5 месяцев 2012 года тестированием на ВИЧ-инфекцию охвачено 40036 граждан, вернувшихся из зарубежных стран, где у 91 выявлена ВИЧ-инфекция. За этот период текущего года среди пострадавших от торговли людьми тестированием на ВИЧ-инфекцию охвачено 302 граждан, из них у 1 выявлена ВИЧ-инфекция.

В Республике Узбекистан налажена система проведения профилактических мероприятий по предотвращению ВИЧ-инфекции среди мигрантов. Согласно "Порядку по освидетельствованию и профилактике заболеваемости ВИЧ-инфекцией среди граждан Республики Узбекистан, иностранных граждан и лиц без гражданства, выезжающих за пределы Республики Узбекистан, а также приезжающих в Республику Узбекистан", утвержденному Республиканской комиссией по координации мероприятий по противодействию ВИЧ-инфекции 20.12.2009 г., все лица, выезжающие в республику и выезжающие за пределы страны, подлежат обследованию на ВИЧ-инфекцию.

Правительство проявляет высокую заинтересованность в выполнении программ по предотвращению распространения ВИЧ-инфекции в республике. В частности, при пересмотре Закона Республики Узбекистан "О профилактике заболевания, вызываемого вирусом иммунодефицита человека (ВИЧ-инфекции)" от 19.08.1999 г., внесены параграфы по обследованию и оказанию медико-социальной и психологической помощи мигрантам в проект нового закона. Следует также отметить принятие Постановления Президента Республики Узбекистан № 1023 от 26.12.2008 г. "О дополнитель-

ных мерах по повышению эффективности противодействия распространению ВИЧ-инфекции в Республике Узбекистан", где предусмотрены координированные действия заинтересованных министерств и ведомств. Каждое министерство и ведомство имеет свои секторальные планы мероприятий по противодействию распространению ВИЧ-инфекции, которые объединены в рамках Национального плана. В частности, выполняется совместный план Республиканского комитета женщин, МВД, Министерства труда и социальной защиты населения, Фонда "Махалла" "Об усилении разъяснительных работ по профилактике ВИЧ-инфекции среди населения, в особенности мигрантов и членов их семей, а также новобранцев", утвержденный протоколом совещания Республиканской комиссии от 20.04.2010 г. №07/1-1181. В стране каждые два года проводится Дозорный эпидемиологический надзор (ДЭН) за группами населения, которые подвержены высокому риску заражения в связи со своим поведением и образом жизни. С 2009 года в группы исследования методом ДЭН включены мигранты. В рамках исследования изучаются поведенческие факторы, влияющие на риск заражения ВИЧ-инфекцией трудовых мигрантов, выезжавших за пределы республики.

По оценкам экспертов, ежегодно около 600 тыс. граждан Узбекистана выезжают из страны на заработки, при этом 70% из них направляются в Россию. Хотя сам по себе выезд на заработки за границу не является фактором риска, тот факт, что мигранты долгое время находятся вне семьи и традиционного уклада жизни, может способствовать их вовлеченности в различные виды поведения, связанные с риском ВИЧ-инфицирования. Для оценки степени подверженности мигрантов факторам риска в отношении ВИЧ было опрошено 5600 мигрантов, вернувшихся из мест заработка. Результаты свидетельствуют об ограниченной распространенности ВИЧ-инфекции в среде мигрантов: в 2011 г число случаев ВИЧ-инфекции составило 0,8% от числа обследованных. Тем не менее, значительная часть мигрантов практикует поведение, которое ставит их под угрозу заражения ВИЧ. Согласно отчетным данным, представленным и региональными центрами по борьбе со СПИДом за 2010 год, тестированием охвачено 98512 мигрантов и выявлена ВИЧ-инфекция у 200 мигрантов. В 2011 году тестированием на ВИЧ-инфекцию охвачено 137616 мигрантов и выявлена ВИЧ-инфекция у 221 мигранта.

Постоянно действующая рабочая группа Министерства здравоохранения оказывает центру организационно-методическую помощь.

Во исполнение Плана "Основных мероприятий на 2011-2012 годы по коренному повышению эффективности борьбы и противодействия торговле людьми", утвержденному председателем Республиканской межведомственной комиссии по противодействию торговле людьми, в целях предотвращения распространения различных инфекционных заболеваний разработан механизм проведения диспансериза-

ции, оказания медицинской помощи и дальнейшего доступа к медицинскому обслуживанию лиц, подвергшихся сексуальной и трудовой эксплуатации. В соответствии документа определены объём исследований, общий анализ крови и мочи, исследование на венерические болезни, ВИЧ-инфекцию и рентгенография (флюорография).

Вместе с тем, по исполнению раздела III пункта 14 подготовлено к изданию методическое пособие по оказанию медицинской, юридической и психологической помощи, а также реабилитации жертв торговли людьми. Сотрудники Министерства здравоохранения неоднократно принимали участие в работе постоянно действующей межведомственной аналитической группы по разработке положения, структуры Республиканского специализированного учреждения по оказанию помощи жертвам торговли людьми и его региональных подразделений. Ответственные работники Министерства здравоохранения принимали активное участие в «круглых столах», проводимых по инициативе Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан и Комитета женщин. В том числе принято участие в «круглом столе» с докладом на тему "Вопросы о совершенствовании противодействия торговле людьми, проведении пропагандистской работы по нелегальной миграции среди молодежи", организованном Центром "Маънавият и маърифат" при Министерстве высших и средних специальных учебных заведений Республики Узбекистан и учебных курсах ответственных секретарей территориальных межведомственных комиссий по противодействию торговле людьми. В целях доведения до населения и медицинских работников значимости и актуальности вопроса противодействия торговле людьми с 2008 года по сегодняшний день организовано 15057 лекций, 8063 вечера вопросов и ответов, 3040 «круглых столов», 872 встречи, 368 семинаров, опубликовано 89 статей в печатных средствах массовой информации, 1408 радиовыступлений и 152 выступления по телевидению, выпущено 335 видеороликов.

Во исполнение плана основных мероприятий Республиканской межведомственной комиссии по противодействию торговле людьми с распоряжением Генеральной прокуратуры регулярно осуществляются проверки проделанной работы по противодействию торговле людьми в регионах республики, результаты обсуждаются на коллегиях Министерства здравоохранения. Согласно разработанному плану мероприятий по устранению проблем, выявленных в период проверки, улучшилась работа региональных учреждений здравоохранения.

Г. ФАЗЫЛОВА,
ведущий специалист,
Б. ОМОНОВ,
специалист I категории
Главного управления
организации лечебно-профилактической
помощи МЗ РУз.

Фан уфқлари

ТАЪЛИМ ОРҚАЛИ ФАРМАЦЕВТИКА ХИЗМАТИНИ
ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ЯХШИЛАШ

Сўзимиз аввалида шуни айтишимиз жозик, Президентимизнинг ҳар бир соҳа йўналишига катта эътибор ва ғамхўрлиги, айниқса, ёш авлод таълим-тарбия олиши ҳамда илмий салоҳият йўлидаги изланишларини қўллаб-қувватлашлари ота-оналар қалбини фахр ва гурурга тўлдирётганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Барчамизга маълумки, жорий йилнинг 17 февраль куни пойтахтимиздаги Симпозиумлар саройида Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган "Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққиёт эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti" мавзуидаги халқаро симпозиумда дунёнинг 48 давлатидан иштирок этган, шунингдек, жаҳон тан олган олимлар томонидан анжуманининг ниҳоятда юксак савияда ўтганлиги ҳамда мамлакатимизда таълим тизими тўғри йўлга қўйилганлиги эътироф этилди. Дарҳақиқат,

– Аҳмадхўжа Нигмонович, истиқлолимизнинг 21 йиллиги арафасида Сиз раҳбарлик қилаётган Тошкент фармацевтика институти 75 ёшга тўлди. Сизни ушбу қўшалок айём билан кутлаган ҳолда, бизга институтнинг илм-фан тараққиётига қўшган ҳиссаси, қолаверса, мазкур даргоҳ қачон ва қай тарзда бунёд бўлганлиги ҳақида гапириб берсангиз.

– Саволингизга жавоб беришдан олдин Юртбошимиз Ислом Каримовнинг қуйидаги сўзларини айтиб ўтмоқчиман: "... таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб, онгни ўзгартириб бўлмайди. Онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб эса, биз қўзлаган олий мақсад – озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди". Ҳа, Тошкент фармацевтика институти расман бундан 75 йил муқаддам, 1937 йил 16 июлда, яъни собиқ иттифоқ даврида Соғлиқни сақлаш комиссарлигининг 155-сонли буйруғи билан Тошкент тиббиёт институтининг айрим кафедралари асосида ташкил топган бўлса ҳам, унинг асосий тараққиёт йўли истиқлолимиздан сўнг бошланди. Институт 1937-1938 ўқув йилида ташкил этилган бўлиб, ўша йили 63 та талаба қабул қилинган, 1941 йили институтни 37 та провизор (шулардан фақат 2 нафари ўзбек мутахассис) тугатган. 1941-1942 ўқув йилида Тошфарми профессор-ўқитувчилар штати 38 кишидан иборат бўлиб, улардан 9 нафари фан номзоди, 5 нафар профессор, 7 нафари доцент лавозимларида фаолият юритишган. Яна бир рақам, институтни ташкил қилиш йилларида фаолият кўрсатган кафедра мудирларининг сони 16 нафарни ташкил этиб, улардан бири – доцент Али Усмонов Раҳимов бўлган.

– Ҳар бир даврнинг ўзига хос тарихи бўлганидек, институтнинг бугунги мавқеи ва соҳа кадрларига бўлган талаб, шунингдек, ўқув жараёнида қандай янгиликлар мавжуд?

– Фахр билан айтишимиз мумкинки, янгиликлар жуда кўп. Мустақиллигимизнинг илк кунлариданок, институтда замон талабига мос равишда туб

бугунги кунда юртимиздаги мактабгача тарбия муассасалари, мактаб, лицей, касб-хунар коллежлари, олий ўқув юртларининг қай бирида бўлмайлик, фарзандларимиз учун яратилган шароитларни кўриб, қалбимиз кувончга тўлади. Шундай экан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги Тошкент фармацевтика институтидаги фаолиятлар ҳам бундан мустасно эмас. 2012 йилнинг 16 июлида мазкур институт ўзининг 75 йиллигини қарши олди. Ўтган давр мобайнида Тошкент фармацевтика институти қанчадан-қанча соҳа мутахассисларини етиштириб, ўзининг ноёб тарихини кашф этиб келмоқда десак, янгиликларимиз бўлмайди. Ушбу олий даргоҳдаги фаолиятлар билан чуқур танишиш мақсадида институт ректори, фармацевтика фанлари доктори, профессор Аҳмадхўжа Нигмонович Юнусхўжаев билан суҳбатлашдик.

ўзгаришлар амалга оширилди. Аввало, республикаимизда изчил ривожланаётган фармацевтика саноати бунёд бўлди, хусусий дорихоналар тизими барпо этилди. Барчамизга маълумки, фармацевтика институти мустақилликкача фақат дорихоналар учун провизор тайёрлаган. Бугунги кунда республикаимизда 120 та турли мулкчилик шаклидаги фармацевтика корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Ушбу корхоналарни кадрлар билан таъминлаш мақсадида институтда саноат фармацияси ва биотехнология таълими йўналишлари ташкил қилинди. Кейинги йилларда иқтисодиёт, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, ахборот технологиялари каби соҳалар, шунингдек, истеъмолчиларнинг билим савиясидаги ўзгаришлар шифокор-бемор-фармацевт тизимидаги муносабатларни ўзгартириб юборди. Бир томондан, фармацевтика бозорига кириб келаётган янги дори воситалари тўғрисидаги ахборотлар оқимини ўзлаштиришга улгура олмаётган шифокор даволаш жараёнида мажбуран консерватив мавқеида туриб қолмоқда. Иккинчи томондан, билимдон, ўз соғлиғига эътиборли ва талабчан беморлар шифокорни четлаб ўтиб, тўғридан-тўғри фармацевтга мурожаат қилиш ҳолатлари учрамоқда. Бундай ҳолатларда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилати тавсиясига кўра, фармацевтлар мурожаат қилган беморларга замонавий фармацевтик ёрдам кўрсатиш, фармакокинетик билимларга асосланган маслаҳатларни беришлари, тиббий муассасаларда эса самарали фармакотерапевтик ёрдамни ташкил қилиш кераклиги сабабли, фармацевтика соҳасидаги янги таълим йўналиши "Клиник фармация" ташкил этилди. Даволаш-косметик воситаларга бўлган талаб ва импорт асосида келтирилган маҳсулот нархининг юқорилиги уларнинг сифатига бўлган эътирозлар, косметик воситаларни маҳаллий хом ашёлар асосида ишлаб чиқариш муҳимлиги боис, ўз навбатида, ушбу соҳа учун кадрларни тайёрлаш заруратини туғдирди, натижада институтда "Космецевтика" йўналиши таркиби топди. Шундай қилиб, бугунги кунда Тошкент фармацевтика институтида 6 та бакалаврият таълим йўналиши ва

5 та магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилган.

Фармацевт кадрларга бўлган талаб тўғрисида тўхталадиган бўлсак, кейинги пайтларда Ўзбекистон Республикасида ҳар битта фармацевт мутахассисга 3846 нафар аҳоли ёки ҳар 10 минг аҳолига 2,6 нафар мутахассис тўғри келади. Лекин Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилатида кўрсатилган меъёрга мувофиқ, 2300 нафар аҳолига битта мутахассис ёки 10 минг аҳолига 4,3 нафар фармацевт кадрлар таъминланиши талаб этилади. Зеро, республикаимизда фармацевт кадрлар билан таъминланганлик даражаси 61,9 фоизни ташкил этади, деб хулоса қилиш мумкин.

Статистик таҳлилларга кўра, институт битирувчиларининг 85 фоизи бевосита фармацевтика соҳасига ишга боради. Шу билан бирга, талабалар сони 1-курсдан то 5-курсга етиб боргунга қадар турли сабабларга кўра 10-15 фоизга камаяди. Иккинчи томондан, ишлаётган мутахассисларни табиий сабаблар (ўлим, нафақа ва б.)га кўра йўқотиш республикада ўртача 200 нафарни ташкил этади. Шундай қилиб, аксарият вилотларда соҳанинг кадрлар билан таъминланганлик даражаси ўртача кўрсаткичдан паст бўлиб, бугунги кунда республика миқёсида 3000 дан ортиқ фармацевт кадрлар етишмайди.

– Барчамизга сир эмаски, институтнинг етакчи устозлари, профессор-ўқитувчиларининг нафақага кетиш ҳолатлари учрамоқда. Кўп жойларда, қолаверса, илмий даргоҳларда кадрлар орасидаги узилиш кескин сезилмоқда. Бу муаммо Сиз раҳбарлик қилаётган таълим муассасасида қандай ҳал этилмоқда? Яқин орада етакчи фармацевт олимларнинг ўрнини ким босади?

– Фармацевтика фанининг тараққиётига бебаҳо ҳисса қўшган фан фахрийларининг кадр-қимматини инobatга олиб, бу муаммо магистратура, стажёр-тадқиқотчи-изланувчи ҳамда стажёр-тадқиқотчи катта илмий ходим тизими орқали ҳал этилмоқда. Мустақиллик йилларида институт таркибида ташкил этилган Д.087.12.01-сонли ихтисослашган кенгашда 120 дан ортиқ фармацевтика соҳаси бўйича номзодлик ва докторлик



А. Н. ЮНУСХЎЖАЕВ,
Тошкент фармацевтика институти директори.

диссертациялари ҳимоя қилинди. Ҳозирда институтнинг илмий салоҳияти мутахассислик кафедраларида 90 фойздан ортган бўлса, уларнинг кўпчилигини ёшлар ташкил этмоқда. Шуниси эътиборлики, магистратура, стажёр-тадқиқотчи, стажёр-илмий ходимликка ёшлар катта танлов асосида қабул қилинмоқдалар, яъни ноёб иқтидорларга эга бўлганларни танлаб олиш имконияти туғилмоқда.

– Шу ўринда яна бир ҳақли савол туғилади. Институтда замон талабига мос дарс бериш тараққиёти ва фармацевтик таълим сифатини қандай баҳолайсиз?

– Биз мунтазам равишда фармацевтика амалиётини таҳлил қилиб борамиз. Шиддат билан ривожланаётган соҳадан ортада қолмаслик учун эса ўқув-услубий мажмуаларни доимий равишда такомиллаштириб боришга тўғри келмоқда. Бу борада институт Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилати, Жаҳон фармацевтлар уюшмаси билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. Ўқув жараёнини модернизация қилиш, интерфаол ўқитиш тизимини ташкил этиш изчиллик билан амалга оширилмоқда. Шунингдек, институтимизда қатор ривожланган давлатларнинг олий таълим муассасалари, йирик дори ишлаб чиқарувчи фирмалари ва нуфузли илм даргоҳлари билан халқаро алоқалар ўрнатилган. Мазкур ҳамкор давлатлардан юқори малакали мутахассислар ташриф буюриб, ўқув-тренинглари, маҳорат дарслари олиб борадилар. Бунинг баробарида, институтимизнинг ёш ўқитувчи олимлари ривожланган хорижий давлатларга бориб ўз малакаларини ошириб қайтишмоқда. Фаолиятимиздаги характерларимизнинг барчаси бугунги кун талабига мос, рақобатбардош кадрлар тайёрлашга қаратилган.

– Институтдаги иқтидорли талабалар бўлими фаолияти ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

– Мазкур бўлим "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, талабалар илмий жамияти, институт илмий бўлими, деканат ва кафедралар билан ҳамкорликда иқти-

дорли ёшларни танлаш, уларни кафедраларга бириктириш, олиб бораётган илмий ишларини кузатиб бориш, илмий ижод методологияси сирларини ўрганиш, илмий анжуманлар ўтказиш, иқтидорли талабалар илмий ишлар натижаларини чоп этиш ва амалиётга жорий этишга кўмаклашиш, турли номдаги стипендиялар ва бошқа республика ҳамда халқаро миқёсдаги танловларда иштирок этишларида ёрдам беради. Энг муҳими, иқтидорли ёшлар талабалик давридаёқ илм-фанга жалб этилиб, уларнинг илмий мавзулари шаклланади. Ўқув даврида патент олган, ўнлаб мақолалари чоп этилган иқтидорли талабалар мавжуд. Яна шуни фахр билан айтишим мумкинки, бу йил иқтидорли талабаларнинг қарийб 40 фоизи ўз илмий иш натижаларини анжуманда инглиз тилида ҳимоя қилдилар.

– Маънавият маркази ва ўқув жараёнининг ёшлар тафаккурига таъсири ҳақида нима дея оласиз?

– Ўзбекистонда ёшларга билим берадиган олий маскан бошқа давлатлардан фарқли равишда – олий таълим муассасаси деб аталади, яъни бизга ҳам билимли, ҳам маънавиятли ёшларни тарбиялаш юклатилган. Маърифатли шахс эса фақат билимлар тизимини эгаллаш билан чекланмай, фикрлашга ўрганиши, тафаккури ўсган бўлиши зарур. Шукроналар бўлсинки, ўзининг 21 йиллигини нишонлаш арафасида турган Ўзбекистонимизда ёшлар тафаккури ўзгарди, жамиятимизда соғлом муҳит юзага келди. Тафаккурни ривожлантириш – таълимнинг асосий мақсадларидан бири бўлиб қолди. Бу борада институтимизда нафақат маънавият маркази, балки устозлар, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, барча профессор-ўқитувчилар фидойилик билан фаолият олиб боришмоқда. Фаолиятимиз давомида биз таълим векторини ёшлар тафаккурини бугунги

(Давоми 5-бетда).

Фан уфқлари

ТАЪЛИМ ОРҚАЛИ ФАРМАЦЕВТИКА ХИЗМАТИНИ
ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ЯХШИЛАШ

куннинг шиддатига, глобаллашувига нисбатан мафкуравий иммунитет ҳосил қилишга йўналтириб бормоқдамиз. Негаки, шахсда тафаккур ривожланмаса, у ўйлашга, таҳлил қилишга ўрганмаса, ташқи таъсирлар олдида ожиз бўлиб, ўзидаги мавжуд билимлардан ҳам фойдалана олмайди. Буюк мутафаккир Алишер Навоий "Ки ҳар ишники қилди одамизот, тафаккур била билди одамизот," деб тафаккурни юксак даражага кўтарган. Эндиликда институтда маъруза, семинар ва амалий машғулотларни ўтказишга замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда янгича ёндашиш, ҳар бир машғулотда талабанинг изланувчанлигини рағбатлантириш, мустақил ва эркин фикрлашга имконият яратиш, таълим жараёнида – илмий тортишувларда нуқтаи назарнинг турли-туманлигига эътибор қаратилмоқда.

– **Институтда "Дори воситаларини стандартлаш илмий маркази" ташкил этилган экан. Унинг йўналиши нималардан иборат?**

– Маълумки фармацевтика институти республикамизда ягона ҳисобланиб, бу ўз навбатида соҳага кадрлар тайёрлаш билан бир қаторда, ундаги илмий ва илмий ишлаб чиқариш тараққиётига масъуллимизни белгилайди. Шунинг учун институтдаги мавжуд илмий-потенциал имкониятлардан самарали фойдаланиш, дори воситаларини ишлаб чиқарувчи ва яратувчи корхоналарга бевосита амалий ёрдам бериш мақсадида дори воситалари ва тиббий техника си-

(Давоми. Боши 4-бетда).

фатини назорат қилиш бош бошқармаси ҳамкорлигида Тошкент фармацевтика институти ҳузурида Дори воситаларини стандартлаш илмий маркази (ДВСИМ) ташкил этилди. Унинг таркибига: дори воситалари сифатини назорат қилиш ва стандартлаш лабораторияси, илмий-услубий ва ахборот-патент бўлими, дори воситаларини сертификатлаш идораси, замонавий таҳлил услубидаги ўқув-тренинг маркази киритилди. ДВСИМ бугунги кунда соҳадаги илмий-текшириш институтлари ва маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарга бевосита амалий ёрдам кўрсатиш билан бирга, Ҳиндистон, Покистон, Германия, Россия, Украина, Австрия, Болгария, Польша ва бошқа давлатларнинг фармацевтик фирмалари ва ташкилотлари билан тегишли шартномалар бўйича самарали ҳамкорлик ишларини олиб бормоқда. Бугунги ДВСИМ томонидан амалга оширилган ишлар натижаси бўйича уни фармацевтика соҳасининг замонавий "технопарки" дейиш мумкин.

Мустақиллик шарофати билан бошқа соҳаларда бўлгани каби Соғлиқни сақлаш вазирлиги олдида ҳам мустақил дори сиёсатини ташкил қилиш вазифаси долзарб бўлиб қолди. Бу ишда биз собиқ иттифоқ ёки айни бир давлат андозасини қабул қилганимиз йўқ. Бир неча фармацевтика соҳаси яхши ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиб, кенг мутахассислар оммасини жалб қилган ҳолда ўз йўлимизни белгилаб олдик. Соҳадаги қарийб 20 йиллик фаолият бу йўлда ҳам аддашмаганлигимизни исботлади.

– **Шундай шиддатли, глобаллашув даврдаги шиорингиз ва бугунги ёшларга тилакларингиз...**

– Фармацевтларнинг латин тилида "Per aspera ad astra" (тиканли, машаққатли йўллар орқали юлдузлар сари) деган шиори бор. Бугунги ёшларга эгаллаган билим, малакаларидан қаноат ҳосил қилмасликни, олдинга, юқорига интилиб яшашларини тилаб қоламан

– **Аҳмадхўжа Нигмонович! Пойтахтимиз Тошкентда 2011 йилда қад кўтарган маҳобатли "Маърифат маркази" мажмуидаги Симпозиумлар саройида Президентимиз ташаббуси билан кетма-кет иккита муҳим воқеа бўлиб ўтди: биринчиси, 2011 йил 25-26 ноябрь кунлари "Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: "Соғлом она – соғлом бола" мавзусидаги Халқаро симпозиум бўлса, иккинчиси, 2012 йил 16-17 февраль кунлари "Юксак салоҳиятли авлодни тарбиялаш" рухида "Юксак билим ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti" мавзусида бўлиб ўтган Халқаро конференциядир. Сиз ҳар иккала анжуманда иштирок этгансиз. Сиз раҳбарлик қилаётган институтга ушбу анжуманларнинг бевосита дахли бор. Таассуротларингиз ҳақида тўхталингиз.**

– Ҳақиқатдан ҳам бу республикамиз тарихида бизга бевосита тааллуқли, ҳам тиббиёт, ҳам таълим соҳасида муҳим воқеа бўлди. Мен бу ҳақда "Фармацев-

тика журнали"да "Рўёбга чиққан муқаддас гоғлар" номи билан сўз боши ёзганман. Сизга ҳам бажонидил ўз таассуротларимни айтман. Аввало, ҳар иккала анжуманда ниҳоятда нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари, жаҳонда тан олинган машҳур олимлар, халқаро эксперт ва мутахассислар қатнашгани мени ниҳоятда ҳаяжонга солди. Бу анжуманларда иштирок этиб, Ўзбекистон тарихан қисқа вақт давомида келажаги буюк давлат эканлигини исботлагани, Ўзбекистонда бунёдкорлик ишлари Юртбошимиз ишлаб чиққан, бутун дунёда "Ўзбек модели" деб тан олинган тараққиёт йўлимиз тўғри эканлигини, босқичма-босқич амалга оширилаётган соғлиқни сақлаш ва узлуксиз таълимнинг ягона миллий тизими яратилганини етакчи давлатларнинг олиму мутахассислари алоҳида эътироф этиб, халқаро тажрибада бундай амалиётни қўллаш мумкинлигига ишонч билдирдилар.

– **Сухбатимиз сўнгида институтнинг 75 йиллик юбилейига қандай тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда**

– Шу йил 31 майда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 750-сонли фармойиши эълон қилинди. Унда 2012 йил 17-18 октябрь кунлари Тошкент шаҳрида "Фармацевтика таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси" мавзусида илмий-амалий конференция ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Фан ва ўқув юртлиги Бош бошқармаси, Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси ҳамда Тошкент фармацевтика институти зиммасига юклатилган.

Конференция иши доирасида

анъанавий илмий маърузалар билан бир қаторда, фармацевтика соҳасида 2011-2012 йиллардаги фаолият натижаси бўйича "Энг яхши" – "Фармацевт-ихтирочи", "Ишлаб чиқариш корхонаси", "Инновацион корхона", "Улгуржи фармацевтика корхонаси", "Синов лабораторияси", "Сифат менежер", "Фармацевт – мураббий", "Дорихона муассасаси", "Клиник фармацевт", "Хорижий фирма вакили" номинациялари бўйича республика танлови ўтказиш кўзда тутилган. Фолибларни аниқлаш бўйича ишчи гуруҳга ошкоралик принциплари асосида кенг мутахассислар оммасини жалб қилган ҳолда танловни объектив ўтказиш ва номзодларни эсдалик совгалари билан тақдирлаш ишлари амалга оширилади.

Конференция ишлари доирасида доришунослик соҳаси яхши ривожланган давлатлар етакчи олимлари иштирокида "Мастер класс"лар ўтказиш ва конференция қатнашчиларини ўрнатилган тартибда сертификатлар билан тақдирлаш ва бошқа тадбирлар ҳам кўзда тутилган.

Ҳозир Тошкент фармацевтика институти жамоаси ушбу фармойиш ижросини таъминлаш бўйича кенг кўламли тайёргарлик ишларини бошлаб юборган. Ўйламанки, республикамиз доришунослари жонажон "Alma mater"имизнинг кутлуг ёшларини муносиб кутиб олишга ҳиссаларини қўшадилар.

Сухбатдош
Ибодат СОАТОВА.

Бугуннинг мавзуси

ОИВ ИНФЕКЦИЯСИ: УМУМИНСОНИЯТ МУАММОСИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ОИВ/ОИТС бўйича дастури (ЮНЕЙДС) маълумотларига кўра 2012 йилнинг 1 январь ҳолатига дунё бўйича ОИВ инфекцияси билан яшаётган шахсларнинг сони 33,4 миллионни, уларнинг 15 миллиони аёллар ва 3,2 миллиони 14 ёшгача бўлган болалар ташкил этади. Ҳар йили 2,5-3 миллион янги ҳолатлар рўйхатга олинмоқда. Касалланганларнинг асосий қисми (22,5 миллион) иқтисодий ва сиёсий тизим издан чиққан Африка давлатларида – 3 миллион, Ҳиндистонда – 1,4 миллион, Хитой ва АҚШда – 1,2 миллионга тўғри келмоқда. Россия расмий ташкилотларининг маълумотига кўра эса, бу давлатда ОИВ билан касалланганлар сони 1 миллионга яқин, Украинада эса аҳолининг 1 фоизидан ортиги ОИВ инфекцияси билан касалланган.

ОИВ инфекцияси муаммоси Ўзбекистон Республикасини ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Мазкур муаммо ва бу борада республикада амалга оширилаётган ишлар тўғрисида маълумот олиш учун Республика ОИТСга қарши кураш маркази директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Нурмат Сатиниязович Атабеков билан суҳбатда бўлдик.

– **Нурмат Сатиниязович, нима учун дунёда ОИВ ин-**

фекцияси пандемияга айланиб қолди? Шунингдек, республикамизда ОИВга қарши қандай чора-тадбирлар кўрилмоқда?

– Дунё бўйича ушбу касалликнинг кенг тарқалиши, яъни пандемиясига қуйидагилар сабаб бўлмоқда:

– **ОИВ инфекцияси юқумли касаллик бўлиб, ушбу касаллик билан касалланган бемор умрининг охиригача вирусни бошқаларга юқтириш хавфини сақлаб**

қолади;

– **вируснинг тез ўзгарувчанлиги (мутация) сабабли, ҳанузгача самарали вакцина ишлаб чиқарилмаганлиги;**

– **касалликдан бутунлай фориқ қилувчи дори воситаларининг мавжуд эмаслиги;**

– **ОИВ асосан вирусни юқтириб олиш хавфи юқори бўлган шахслар (гиёҳвандлар, фоҳишалар, бесоқолбозлар ва бошқалар) орасида тарқалишга мойиллиги ҳақда бундай шахслар билан самарали профилактик ишлари олиб бориш қийинлиги.**

Ўзбекистон Республикаси мустақилликини қўлга киритган дастлабки кунлардан бошлаб Республика Президенти ва ҳукумати томонидан аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва барқарор авлодни тарбиялаш масалаларига жиддий эътибор қаратиб келинмоқда. Мамлакатимизда ОИВ инфекцияси тарқалиб кетишининг олдини олиш ва профилактик тадбирлар самарасини янада ошириш мақсадида 1987 йилда Вазир-

лар Маҳкамасининг қарори билан Республика ОИТС диагностика маркази ташкил этилган бўлса, 1988 йил якунида республиканинг барча маъмурий ҳудудларида СПИД диагностика лабораториялари ўз фаолиятини бошлаган. Шунингдек, ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш чора-тадбирлари ҳамда мазкур касалликнинг олдини олишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 26 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекциясининг тарқалишига қарши кураш тадбирларининг самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-1023-сонли Қарорининг аҳамияти ниҳоятда катта бўлмоқда. Мазкур қарорнинг асосий моҳияти ОИВга қарши курашнинг ягона тизимини ташкил қилиш, ОИВ инфекциясининг олдини олиш ва аҳолини бу касалликдан ҳимоя қилиш борасида ўтказилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлиги ва сифатини ошириш, ОИВга қарши кураш марказларининг

моддий-техник базасини яхшилаш ҳамда унга қарши курашда фаолият кўрсатаётган тиббиёт ходимларининг моддий рағбатлантирилишини таъминлашдан иборат. Ушбу қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "ОИТСга қарши кураш марказларининг ташкилий тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 1-сонли қарори қабул қилиниб, кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, бюджет ҳисобидан 7,5 миллиард сўмга 23 турдаги ОИВ инфекциясига эрта ташхис қўйиш ва олиб борилаётган махсус даволаш самарасига баҳо бериш имконини берувчи юқори технологияли аппаратлар полимераз занжирли реакция (ПЗР) аппарати, бемор организмдаги иммунитет даражасини аниқлайдиган цитофлюориметр ускунаси ва

(Давоми 6-бетда).

Бугуннинг мавзуси

ОИВ ИНФЕКЦИЯСИ: УМУМИНСОНИЯТ МУАММОСИ

туманлараро ОИТС диагностика лабораториялари эса иммуно-фермент анализаторлари (ИФА) ҳамда бошқа турдаги асбоб-анжомлар билан жиҳозланди. 2010-2011 йиллар давомида ҳудудий ОИТСга қарши кураш марказларида қарийб 10 миллиард сўмлик қурилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Тошкент шаҳри, Бухоро, Фарғона, Навоий ва Сирдарё вилоятлари ОИТСга қарши кураш марказлари янги қуриб битказилган биноларда фаолиятини бошлаган бўлса, Андижон, Қашқадарё, Наманган, Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари марказлари учун барча талабларга жавоб берадиган бинолар ажратилиб, мукамал таъмирдан чиқарилди. Бошқа марказларда эса режа асосида қурилиш ва мукамал таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Республикада ОИТСга қарши кураш тадбирларига давлат бюджетидан ташқари хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар маблағларини жалб қилиш борасида ҳам ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан, 2010 йилда Ўзбекистон Республикасининг ОИТС компоненти бўйича 61,8 миллион АҚШ доллари қийматига эга иккита талабномаси Глобал жамғарма томонидан маъқулланди ва ҳозирги кунда самарали амалга оширилмоқда. Ушбу грант маблағлари республикада ОИВ инфекцияси профилактикаси, беморларни эрта аниқлаш, уларни даволаш, аҳоли хабардорлигини ошириш, даволаш-профилактика муассасаларининг моддий-техник базасини яхшилаш, тиббиёт муассасаларида тиббий муолажалар хавфсизлигини таъминлаш масалаларига қаратилган. Бундан ташқари, шифохоналарда тиббий муолажалар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Глобал жамғарма лойиҳаси ҳисобидан Тошкент, Андижон, Фарғона, Наманган ва Самарқанд вилоятлари ДПМ учун бир маротаба ишлатиладиган тиббий жиҳозлар харид қилиш кўзда тутилган.

– **ОИТСга қарши курашда аҳолининг тиббий саводхонлигини ошириш, айниқса, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

– Республикада ОИВ инфекцияси қарши кураш тадбирларининг асосий йўналишларидан бири аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида ОИВ инфекцияси профилактикаси масалалари бўйича тизимли ахборот-тушунтириш ишларини ташкил этишга қаратилган. Мазкур йўналиш бўйича ОИВ инфекцияси тарқалиши билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш борасида социологик тадқиқотлар ўтказиш, халқимизнинг менталитети, маънавий-ахлоқий негизлари ва қадриятларини ҳисобга олган ҳолда юқумли касалликлар профилактикаси, шахсий гигиена масалалари тўғрисида ўқув қўлланма-

(Давоми. Боши 5-бетда).

лар, услубий таълим материаллари, видеороликлар, фильмлар тайёрлаш орқали, аҳолига мўлжалланган ахборот-тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Мазкур касалликнинг олдини олиш борасида ишлаб чиқарилаётган ахборот-маърифий материалларни халқимизнинг маънавий-ахлоқий негизлари ва қадриятларини ҳисобга олган ҳолда тайёрланишини мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Идоралараро ишчи гуруҳ ташкил этилиб, фаолият кўрсатмоқда. Фақат ушбу комиссиянинг ижобий хулосасини олган ОИВ инфекциясининг олдини олиш борасидаги ахборот-маърифий материаллардан аҳоли ўртасида тушунтириш ва тарғибот ишларида фойдаланишга рухсат этилади. Оммавий ахборот воситаларида маънавий бой, жисмонан соғлом ва уйғун ёшларни камол топтиришга йўналтирилган ОИТС профилактикаси масалаларида тушунтириш ишлари ташкил этилмоқда. Марказий ва маҳаллий газеталар саҳифаларида, телерадиоканалларда муаммога бағишланган мақолалар чоп этилмоқда, эшиттиришлар олиб борилмоқда. Бугунги кунда 10 дан ортиқ видеороликлар тайёрланиб, Миллий телерадиокомпания ва жойлардаги ҳудудий телерадиокомпаниялар орқали номойиш этилиб борилмоқда. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси томонидан ёшлар учун ОИВ/ОИТС мавзусида ўзбек ва рус тилларида кўрсатувлар ҳамда радиоэшиттиришлар белгиланган режага мувофиқ узлуксиз равишда эфирга узатилмоқда. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг олий ўқув юрталари, академик лицей ва касб-хунар коллежларида қатор чоратадбирлар амалга оширилмоқда.

Алоқадор вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорликда “Ўзбекистон Республикасидан хорижга кетаётган ва кириб келаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ўртасида ОИВ касаллигининг олдини олиш чоралари тўғрисида Тартиб”га асосан “Ўзбекистон Ҳаво йўллари” ДАК, “Ўзбекистон темир йўллари” ДТЙК, Ички ишлар вазирлиги, “Маҳалла” ва хотин-қизлар кўмиталари ҳамда уларнинг жойлардаги бўлимлари томонидан хорижга кетаётган ва келаётган ёшлар ўртасида ОИВ ва бошқа касалликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари борасида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда ёш авлодни соғлом турмуш тарзи ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг имкониятларини рўёбга чиқариш ҳамда гиёҳвандлик, чекиш, ҳуқуқбузарликлар ва ОИТС каби иллатлар ёшлар орасида тарқалишининг олдини олишга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу тадбирлар натижасида, йилдан-йилга аҳолининг ОИВ инфекцияси профилак-

тикаси борасида хабардорлиги ошиб бормоқда. Агар, 2003 йилда аҳолининг 34,0 фоизи ОИВ инфекцияси профилактикаси борасида хабардор бўлган бўлса, 2011 йилга келиб бу кўрсаткич 65,0 фоизни ташкил этди. Ушбу тадбирлардан мақсад, кенг жамоатчилик эътиборини ОИВ/ОИТС муаммосига қаратиш, касалликнинг олдини олиш борасидаги тадбирларга уларни жалб этишдир.

– **Касалликка қарши курашишда соҳа ходимларининг касб малакасига қандай эътибор берилмоқда?**

– Ҳар бир тиббиёт ходими ОИВ инфекцияси борасида тиббий саводхонлигини ошириб бориши зарур. Бу уларда нафақат ўзи, балки бошқаларни ҳам ўқитиш малакасини юзага келтирилади. Бу борада ҳам қатор тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, Республика ўрта тиббиёт ва фармацевт ходимлар малакасини ошириш маркази томонидан ОИВ инфекцияси қарши кураш тадбирларида иштирок этаётган мутахассислар малакасини ошириш, уларни қайта таёрлаш бўйича ҳам махсус дастур тасдиқланиб, амалиётга татбиқ этилди. Олий ўқув юрталари ва тиббиёт коллежаларининг клиник фанлари ўқув дастурларига ОИВ инфекцияси профилактикаси ҳамда уни даволаш бўйича мавзули соатлар киритилиб, талабаларнинг билим ва кўникмалари оширилмоқда. ТошВМОИ “Эпидемиология” кафедраси ҳамда Республика ОИТСга қарши кураш маркази қошида махсус “ОИТС” курси ташкил этилиб, ўтган давр мобайнида 1000 га яқин мутахассислар ушбу курсда ўз малакаларини оширдилар. Шунингдек, “Даволаш-профилактика муассасалари ўрта тиббиёт ходимларининг ОИВ инфекцияси профилактикаси бўйича малака ошириш дастури” ҳамда “ОИВ инфекциясининг назарий ва амалий билим асослари ўқув дастури” ишлаб чиқилди ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббий таълимни ривожлантириш маркази томонидан тасдиқланди. Ўрта тиббиёт ва дорихона ходимлар малакасини ошириш маркази томонидан “Даволаш-профилактика муассасалари ўрта тиббиёт ходимларининг ОИВ/ОИТС инфекцияси профилактикаси” мавзусидаги малака ошириш ўқув дастури ҳамда Тошкент врачлар малакасини ошириш институти томонидан умумий амалиёт шифокорлари, акушер-гинеколог, эпидемиолог, нарколог ва инфекционистлар учун ўқув модуллари, “Эпидемиология”, “Юқумли касалликлар” малака ошириш цикллари учун ўқув дастурлари тасдиқланиб, тиббиёт амалиётига киритилди. Бундан ташқари, Вирусология илмий-текшириш институти ҳамда Республика ОИТСга қарши кураш маркази мутахассислари томонидан тиббиёт коллежалари учун “ОИВ инфекциясининг назарий ва амалий билим асослари” ўқув қўлланмаси тайёрланди. Ўтган давр мо-

байнида ОИВ/ОИТС масалалари бўйича ташкил этилган махсус ўқув курсларида жами 2000 нафар шифокор ва 2500 нафар ўрта тиббиёт ходимлари ўз малакаларини оширдилар.

– **Республикамизда ОИВ инфекцияси аниқланган беморларни даволаш, касаллик онадан болага ўтишининг олдини олиш ишлари бўйича ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

– Республикада ОИВ инфекцияси билан яшовчи шахсларни даволашга катта эътибор қаратилмоқда. Республика ва ҳудудий ОИТСга қарши кураш марказлари, Вирусология илмий-текшириш институтида ОИВ инфекцияли беморларга антиретровирусли терапия буюрилиб, даволаш ишлари олиб борилмоқда. Антиретровирусли терапияни ўтказиш беморлар умрини узайтириш ва уларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга, шунингдек, иш қобилиятини оширишга ёрдам беради ҳамда вируснинг бошқаларга юқиш хавфини камайтиради. Ҳозирги кунга келиб республикамизда 4 мингга яқин ОИВ инфекцияси билан яшовчи шахслар антиретровирусли терапияни қабул қилмоқдалар. Республикада ОИВ инфекциясининг вертикал трансмиссияси (ондан болага ўтиши) профилактикаси бўйича ҳам самарали ишлар амалга оширилмоқда. ОИВ инфекцияли ҳомиладор аёллар ва улардан туғилган болаларни антиретровирусли дори воситалари билан махсус даволаш ишлари ўтказилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан “Соғлиқни сақлаш тизимининг даволаш ва профилактикаси бўйича тадбирлар тўғрисида”ги махсус буйруқ имзоланган бўлиб, мазкур буйруқ асосида ҳомиладор аёлларнинг ОИВ инфекциясига лаборатория текширувидан ўтказилиши таъминланмоқда. Шошилинч вазиятларда, ҳомиладор аёлларда ОИВ инфекциясини аниқлаш мақсадида, Глобал жамғарма ва бошқа ҳомийлар маблағи ҳисобидан экспресс тестлар харид қилиниб, туғруқ мажмуаларига етказилган. 2011 йил давомида жами ОИВ инфекциясига 550 мингдан ортиқ ҳомиладор аёллар текширувдан ўтказилди. Бу тадбирларга халқаро ташкилотларнинг инвестициялари ва имкониятлари кенг жалб қилинмоқда. Жумладан, Глобал жамғарма ва Жаҳон банкнинг “Марказий Осиёда ОИТСни назорат қилиш” лойиҳаси маблағлари ҳисобига ОИВ инфекциясини қаптириб олган шахсларга малака тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида Республика ОИТСга

қарши кураш марказида 60 ўринли клиника ташкил этилмоқда. “Марказий Осиёда ОИТСни назорат қилиш” лойиҳаси маблағи ҳисобидан Республика ОИТСга қарши кураш маркази клиникаси қошида ОИВ инфекциясига чалинган беморларни даволаш, парваришлаш ва қўллаб-қувватлаш бўйича Марказий Осиё бўйича ўқув маркази фаолият кўрсатмоқда. Болалар фонди (ЮНИСЕФ) билан касаллик онадан болага ўтишининг олдини олиш бўйича меъёрий ҳужжатларни тайёрлашда, ОИВ инфекцияли ҳомиладор аёллар ва улардан туғилган болаларга антиретровирусли профилактикани ўтказиш, бу борада мутахассисларни тайёрлаш масалаларида ҳамкорлик йўлга қўйилган. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан беморларда антиретровирусли терапия ўтказиш бўйича халқаро маслаҳатчилар, экспертларни жалб этиш ва ОИВ инфекцияли беморларни даволаш, парваришлаш масалалари бўйича семинарлар, конференциялар ташкил этиш ва мутахассислар чет элларда малакасини ошириш масалаларида ёрдам кўрсатилмоқда. 2011 йилда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг услубий ёрдамида ОИВ инфекцияли шахсларга тиббий ёрдамни ташкил этиш борасида 10 та миллий даволаш протоколлари тайёрланди ва амалиётга татбиқ этилди. Шунингдек, ОИВ инфекцияси беморларни даволаш бўйича 2006-2011 йиллар давомида 100 дан ортиқ мутахассислар ривожланган давлатларда малакасини оширди.

Юқорида қайд этилган тадбирлар республикада ОИВ инфекцияси диагностикаси, касалликни эрта аниқлаш, ўз вақтида профилактик тадбирларни ўтказиш, ОИВ инфекцияли шахсларни даволаш ва уларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини яхшилашнинг янги босқичи бўлиб хизмат қилади. Амалга оширилаётган тадбирлар натижасида кейинги йилларда республикада ОИВ инфекцияси бўйича барқарорликка эришилмоқда. Жумладан, 2005-2009 йилларда ОИВ билан касалланган кўрсаткичи ҳар йили 20-25 фоизга ошган бўлса, 2010 йилда касалликнинг кўпайишига барҳам берилиб, касаллик кўрсаткичи 2009 йилга нисбатан 5,5 фоизга, 2011 йилда эса 6,8 фоизга камайди. Шунинг қайд этиб ўтиш лозимки, 2009-2011 йилларда аҳолини ОИВга текшириш кўрсаткичлари мос равишда, 2-2,5 мартага ортиб, йилига 1,5-1,8 миллион нафарни ташкил этди.

Хулоса ўрнида айтишимиз жоизки, мазкур касалликнинг олдини олиш, унга қарши кураш ишларини олиб бориш нафақат тиббиёт ходимлари, балки ҳар бир фуқародан катта масъулият талаб этади. Чунки бундай жирканч касаллик бутун дунё ахлини ташвишга солаётган экан, бунинг учун барчамиз ҳамкорликда иш олиб боришимиз зарурлигини унутмаслигимиз керак.

Суҳбатдош
Ибодат СОАТОВА.

Обуна — 2012

Хурматли муштарийлар!
«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш –
Здравоохранение Узбекистана»
газетасига 2012 йилнинг иккинчи
ярим йиллиги учун обуна мавсуми
давом этмоқда.

Азиз тиббиёт ходимлари ва
муштарийлар! Республика тиббиёт
тизимини давом эттиришда амалга
оширилаётган ижобий ишлар,
фаолиятлар ҳамда янгиланган
хабардор бўлишни истасангиз
сеvimли газетангизга обуна
бўлишни унутманг!
Нашр индекси: 128.

Хурматли муштарийлар!

Сизга маълумки, расмий веб-сайтимиз (www.uzssgz.t.uz) фаолият бошлагандан буён доимий равишда газетадаги мақолаларни интернет саҳифаларида эълон қилиб келмоқдамиз. Сиз Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон ва Қарорлари, шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг барча буйруқ ва меъёрий ҳужжатлар матнини «Расмий ҳужжатлар» бўлиmidан тоғиш имкониятига эгасиз. Ундан ташқари, сизда таҳририят билан яқин ҳамкорлик қилиш истаги бўлса, info@uzssgz.t.uz, uzss@yandex.ru манзилига хатлар йўллашингиз мумкин.

СУДЬБА МОЯ, СЧАСТЬЕ МОЕ, РОДНОЙ, НЕЗАВИСИМЫЙ УЗБЕКИСТАН

ПРАЗДНИК ЗДОРОВЬЯ

Наверное, только так можно было бы назвать день, насыщенный обсуждением тем о решении вопросов нашего здоровья

Еженедельно в выходные дни в Национальном парке имени Алишера Навои проходят различные тематические мероприятия, приуроченные к двадцать первой годовщине приобретения страной независимости.

В последнюю субботу уходящего, самого знойного месяца года – июля горожан и гостей Ташкента ожидал активно-познавательный вечер-отдых. Организаторы – Городское управление здравоохранения при поддержке хокимията, Комитета по делам культуры и спорта посвятили его здравоохранению.

В столице Узбекистана двухмиллионному 313-тысячному населению оказывают медицинские услуги 8175 врачей, 18732 профессионала среднего медперсонала и фармацевтической подотрасли. Поддерживают наше самочувствие, обследуют, лечат специалисты в действующих 126 амбулаторных и 41 стационарном медицинском учреждении.

Те, кто посвятил себя медицине, приложили максимум усилий, чтобы в стране заработала проверенная временем формула здоровья и долголетия, которая представлена в виде схемы результатов широкомасштабной профилактической работы, эффективной деятельности первичного звена и экстренной службы, а также развитой системы оказания высокотехнологичной медицинской помощи, встречали посетителей, чтобы еще раз напомнить о том, что в нашем государстве создана необходимая нормативно-правовая база, которая «расписала» правила реализации конституционной нормы на квалифицированное медицинское обслуживание, что особую значимость в комплексе мер по охране здоровья приобрела профилактика заболеваний. В ней на сегодняшний день задействованы все службы.

Наблюдаемое повышение уровня жизни, улучшение социально-бытовых условий, слаженные действия соответствующих структур стали гарантом предупреждения многих заболеваний.

Огромное значение придается борьбе с заболеваниями, имеющими социальное значение.

Созданы специализированные центры: хирургии, кардиологии, микрохирургии глаза и урологии; специализированные научно-практические медицинские центры: эндокринологии, дерматологии и венерологии, фтизиатрии и пульмонологии, терапии и реабилитации, акушерства и гинекологии, педиатрии, в которых разработаны и внедрены стандарты диагностики и лечения более чем на тысячу заболеваний по 24 направлениям.

Реализация государственных програм-

направленных на внедрение высоких технологий в городских медицинских учреждениях, повышение профессионального уровня медицинских работников всех звеньев, освоение передового опыта, обмен накопленными передовыми методами с зарубежными коллегами, контакты с авторитетными научными центрами стран мира и международными организациями, активные акции, пропагандирующие здоровый образ жизни, – все в совокупности позволило отметить увеличение продолжительности жизни узбекистанцев (с 1990 г. по 2012 г. – мужчин с 67 до 73,4 и женщин – с 70 до 75,4 лет).

Специалисты по тому или иному профилю медицины в процессе формирования здорового образа жизни сотрудничают с рядом общественных организаций. Примечательно, что тематическое разноеобразие проводимых ими мероприятий включает и информирование населения о возможностях, появившихся в процессе развития и совершенствования системы здравоохранения.

Для улучшения качества медицинского обслуживания населения, создания комфортных условий пациентам правительством осуществлены проекты по развитию потенциала лечебно-профилактических учреждений с использованием кредитов. Если за 2008-2011 годы на реконструкцию ряда зданий и сооружений было направлено 22,0 млрд. сумов, то в 2012 году только на модернизацию 8 объектов выделено 10,36 млрд. сумов.

На развернувшейся выставке-ярмарке здоровья посетители смогли ознакомиться с работой ряда медицинских и спортивных учреждений, центров, комплексов из всех районов мегаполиса. Их обозрению были представлены информационные стенды, брошюры, раскрывающие все направления сохранения здоровья человека, дающие достаточно полное представление о том, что может, чего уже достигло отечественное здравоохранение, лечебно-диагностические заведения, фармацевтика, секции по различным видам спорта.

Здесь же на месте в тенистых аллеях парка профессионалами, медицинскими работниками с многолетним стажем и опытом работы давались консультации, ответы на вопросы, желающим даже измерялось артериальное давление.

Стенд детской первой городской клинической больницы извещал родителей о том, что правильное питание, начиная с малолетнего возраста, – залог здоровья. Врачи, педиатр и диетолог, интересующимся подробно объясняли схему режима правильного, здорового питания.

– О том, что большая ответственность в укреплении охраны здоровья, повышении

медицинской культуры граждан возлагается на семейные поликлиники, знает весь персонал семейной поликлиники № 36 Чиланзарского района, – сказала врач-терапевт Шохида Курбанова. – При этом особое внимание уделяется коренному совершенствованию деятельности не только нашего, всех первичных учреждений.

Семейная поликлиника № 17 Алмазарского района, обслуживающая 7800 семей, проживающих в девяти махаллах, а это 31424 человека, выставила на экспозицию десять наименований лечебных трав и образцов полезных растений, растущих в Узбекистане. Сто семей, состоящих из них на учете, предпочитают именно этот метод лечения.

– В Год семьи особенно продумана и последовательно осуществляется программа мероприятий по охране материнства и детства, профилактике заболеваний женщин фертильного возраста, – отметила Рано Хайруллаева Хайтбаева, заместитель начальника по охране материнства и детства Горздрава. – Благодаря проводимым мерам сократилась материнская и детская смертность (снижение материнской смертности составило 3,1 раза, детская уменьшилась в 3,2).

Не открою большого секрета сказав, что стратегия, политика и приоритеты, направленные на здоровье матери и ребенка, – это путь к достижению гармоничного нынешнего и будущих поколений, залог здорового общества и личности.

Большой стимул для развития сферы охраны материнства и детства получила после выхода Постановлений Президента страны «О дополнительных мерах по охране здоровья матери и ребенка, формированию здорового поколения» и «О программе мер по дальнейшему усилению и повышению эффективности проводимой работы по укреплению репродуктивного здоровья населения, рождению здорового ребенка, формированию физически и духовно развитого поколения на 2009-2013 годы», в которых кроме мер по укреплению материально-технической базы учреждений родовспоможения предусмотрена широкая профилактическая работа и оздоровление населения. За счет повышения уровня медицинского обслуживания населения, появления нового диагностического и лечебного оборудования, профилактической работы тяжелых случаев заболеваний малышей с каждым годом меньше. Не будь крупных финансовых вливаний в структуру здравоохранения, невозможно было бы осуществить масштабную работу в короткие сроки.

Врач акушер-гинеколог городского перинатального центра Элеонора Раимовна Игамбердыева сообщила, что центр имеет тесную связь со всеми поликлиниками

районов Ташкента.

Специалисты обследуют, оздоровляют с последующим ведением беременности, родов и послеродового периода.

Ежемесячно проводятся встречи в махаллах, где обследуются поколения, девушки, женщины всех возрастов.

В практику вошло и проведение Недели оздоровления. Женщины проходят обследование с применением ультразвука, направляются в стационар для лечения, им даются консультации.

Огромная забота страны к развитию детского спорта, к укреплению здоровья подрастающего поколения, обещающего стать в будущем физически крепким, сильным и духовно совершенным, заметна в возведении спортивных комплексов, реконструкции спортивных сооружений, оснащении их спортивным оборудованием и инвентарем, распространяется и на активную поддержку организаторов ряда спортивных детских и юношеских состязаний.

За годы независимости в республике выросло удивительно талантливое новое поколение. Это подтверждают многочисленные показатели достижений, победы юных граждан Узбекистана, выбравших в друзья регулярные занятия физической культурой и спортом.

Так, они стали неотъемлемой частью жизни воспитанников столичных детских спортивных школ № 14 и № 22. Показанные девчонками и мальчишками в рамках состоявшегося мероприятия «Ярмарка здоровья» интересные номера спортивной гимнастики, акробатики, демонстрация искусства единоборства покорили всех присутствующих, никто не остался равнодушным к их выступлению.

Конечно, каждый ребенок мечтает стать чемпионом, для этого у него есть все основания. Тренировки, показы, соревнования помогают им оттачивать технику, совершенствовать мастерство. И тут главные их помощники – тренеры и наставники.

Многочисленные отдыхающие, пришедшие в полном составе семьи, гости, участники, организаторы праздника здоровья смогли оценить юмор, находчивость сборной молодежной команды КВН, состоящей из медработников поликлиник Мирзо-Улугбекского района Ташкента, стали зрителями показа элементов художественной гимнастики, концерта мастеров эстрады.

Всех собравшихся приветствовал начальник городского управления здравоохранения Бахтиер Абидович Мамаджанов, пожелав всем не только приятного отдыха, но и крепкого здоровья, счастья и благополучия.

Инна КОГАН.

Врач предупреждает

ПРОФИЛАКТИКА ОСТРЫХ КИШЕЧНЫХ ИНФЕКЦИЙ

В летний период года увеличивается риск заболевания острыми кишечными инфекциями – дизентерией, сальмонеллезом, к чему располагают благоприятные условия роста и размножения микробов, вызывающих эти заболевания. Микробы выделяются во внешнюю среду от больных людей с испражнениями, рвотными массами, при сальмонеллезе и с мочой. При попадании на предметы обихода, пищевые продукты, воду они могут долго сохраняться, а в приготовленных блюдах и молочных продуктах возможно их размножение. Возбудители кишечных инфекций устойчивы во внешней среде и долго, иногда месяцами, сохраняют свои болезнетворные свойства. Погибают они при воздействии на них высоких температур и дезинфицирующих средств. В организм человека попадают через рот с пищевы-

ми продуктами, водой. Очень чувствительны к возбудителям ОКИ дети раннего возраста, особенно к сальмонеллезу, коли-инфекции, дизентерии. Чаще всего виновниками заражения детей раннего возраста становятся матери и другие члены семьи. У взрослых заболевания часто протекают легко, с незначительными расстройствами стула или бессимптомно, многие это относят к погрешностям питания и не обращаются к врачу. Непролеченные взрослые становятся распространителями инфекции. Если матери или другие лица, ухаживающие за детьми, не соблюдают

правила личной гигиены, не моют руки с мылом после посещения туалета, микробы с рук попадают на предметы ухода за ребенком (соски, пеленки, посуда) и могут вызвать заболевание у детей. В раннем возрасте острые кишечные инфекции сопровождаются токсикозом – тяжелой общей реакцией организма. На внедрение микробных ядов организм отвечает защитной реакцией – рвотой, жидким стулом, повышенной температурой тела. Если своевременно не начато лечение больного, происходит потеря большого количества жид-

кости, вследствие чего нарушается обмен веществ и развиваются на этом фоне расстройства кровообращения, деятельность сердечно-сосудистой и нервной систем. Чтобы не заболеть острыми кишечными инфекциями необходимо:

– Обязательное мытье фруктов, ягод, овощей, особенно зелени, перед употреблением.
– Скоропортящиеся продукты хранить в холодильнике в закрытом виде, при температуре 6-8°C, при этом строго соблюдать продуктовое соседство.
– Не допускать инфицирование

продуктов при транспортировке.

– Продукты питания необходимо приобретать в магазинах, на рынках, где соблюдаются соответствующие санитарные правила.

– Соблюдать технологию приготовления пищи.

– Ограничить доступ мух в жилые помещения.

– Вести борьбу с грызунами, переносчиками инфекционных заболеваний.

– Строго соблюдать правила личной гигиены матерям и лицам, ухаживающим за детьми грудного возраста.

– Водопроводную воду употреблять в кипяченом виде.

– При первых признаках заболевания острыми кишечными инфекциями немедленно обращаться к врачам, не проводить самолечение.

Татьяна БАШМАКОВА,
эпидемиолог ЦГСЭН
Юнусабадского района.

Тадбир

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

Жорий йилнинг 26 июль куни Соғлиқни сақлаш вазирлигида вазирлик ҳамда Япония Халқаро ҳамкорлик JICA агентлигининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида расмий тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг биринчи ўринбосари А. Алимов кириш сўзи билан очиб, Япония халқаро ҳамкорлик JICA агентлиги томонидан тиббиёт коллежлари ўқитувчиларининг малакасини ошириш

маркази учун компьютер ва полиграфия ускуналари ҳамда республиканинг 24 та тиббиёт коллежлари талабалари учун тақдим этилаётган муляж ҳамда фантомлар ҳақида тўхталиб, JICAnинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Эжири Юкихигога ўз

миннатдорчилигини билдирди. Шу ўринда ваколатхона раҳбари Эжири Юкихиго икки давлат ўртасида олиб борилаётган таълимни ривожлантиришга оид ҳамкорлик тўғрисида гапириб ўтди. Тадбирда иштирок этган тиббиёт коллежи раҳбарлари бундай ҳамкорлик ишларидан мамнун эканликларини таъкидладилар.

И. СОАТОВА.
Муаллиф олган сурат.



Конференция

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ ТИЗИМИДА ЖУРНАЛИСТЛАР ЎРНИ



Жорий йилнинг 27 июль куни Ўзбекистон меҳмонхонасида “Фуқаролик жамияти институтлари тизимида босма оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролини ошириш масалалари” мавзусида анжуман бўлиб ўтди. Мазкур анжуман Ўзбекистон босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ва Олий Мажлис ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамкорлигида ўтказилди.

Тадбир асосан шу йилнинг 27 июнь – Оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан мамлакатимиз раҳбарининг ОАВ ходимларига йўллаган табригида келтирилган ва белгиланган муҳим вазифаларни муҳофама этишга бағишланди.

Тадбирни Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А. Абдуллаев кириш сўзи билан очиб, мамлакатимизни янгилаш ҳамда модернизация қилишда ва жамиятимиз ҳаётида юз бераётган ўзгаришларни изчил ёритишда оммавий ахборот воситаларининг роли, айниқса, босма нашрларнинг бу борадаги фаолияти ҳақида ўз фикрларини билдириб ўтди.

Сўнгра Олий Мажлис қонунчилик палатаси демократик институтлар, ННТ ва ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси раиси А. Саидов мавзу доирасида атрофлича тўхталиб, юртимизда



биринчи даражали вазифалар қаторида нафақат қонунчилик базасини яратиш, балки матбуотни одамлар юз бераётган воқеаларга ўз фикр ва ғоялари, позицияси ҳамда муносабатини очиқ ифода этадиган эркин минбарга айлантириш учун кундалик ҳаётда реал имкониятлар яратиш, бу

юритмоғи муҳимлигига алоҳида урғу қаратди. Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти лойиҳа раҳбари С. Дониёров, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бош директори ўринбосари Р. Сафоев, “Матбуот тарқатувчи” акциядорлик компанияси директори ўринбосари

Ш. Абдукаримов, “Жамият” газетаси муҳаррири С. Раупов, “YURIDA NYSA” МЧЖ раҳбари А. Шукуров, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди директори А. Тўраевлар сўзга чиқиб, Ўзбекистонда Юртбошимиз раҳбарлигида омма-

катимиз давлат бюджетидан давлат грантлари, ижтимоий буюртмалар ва субсидиялар шаклида нодавлат оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлашга 5,5 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Шу билан бирга, Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш



вий ахборот воситаларининг фуқаролик институтлари тизимидаги мавқеи ва ролини янада мустаҳкамлаш, уларни либераллаштириш, нодавлат матбуот фаолиятини тақомиллаштириш борасида кенг миқёсли ишлар амалга оширилаётганини ОАВ лари соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича Давлат дастурининг босқичма-босқич амалга оширилиши фақат сўнгги 5 йил давомида миллий ОАВлар 2600 дан ортиқ малакали ёш журналистлар билан таъминланганлигини, бу эса тахририятлар салоҳияти, уларнинг глобал ахборот маконидаги рақобатбардошлигини сезиларли равишда ошираётганлигини ўз фикрларида баён қилдилар.

Шу ўринда айтишимиз муҳими, 2008-2012 йилларда мамла-

ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг қабул қилиниши жамият ва давлатнинг принципиал жиҳатдан янги ривожланиш босқичида демократлаштириш ва модернизациялаш, ахборот соҳасини либераллаштириш ҳамда сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш жараёнларига кучли ижобий туртки берганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир.

Тадбир якунида Олий Мажлис ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ўтказган грант танловининг натижалари эълон қилинди ва голиблар сертификатлар билан тақдирланди.

Диёра БОЗОРОВА.
Суратлар муаллифи Анвар САМАТХОДЖАЕВ.

Газета
муассиси:
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир Анвар АЛИМОВ
Нашр учун масъул
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «!» шартли белгиси қўйилади.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 6518 нусха.
Буюртма Г-845.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚҶШОҚОВ. Навбатчи Владимир ПОЖОГИН.
Босмахонага топшириш вақти – 20.00.

